Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 7 сентябрь 1973 йил, жума ◆ № 211 (15.685). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ПЛАН ИККИ ИШ КУНИДА

ТЕРМИЗ, («Совет Узбекистони» мухбири). Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли совхознинг Бобонёз Қўчқоров бошлиқ механизациялашган бўлимида Эркин Очилов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари машина теримини авж олдириб, йиллик пахта тайёрлаш планини икки иш куни ошириб бажардилар. Биринчи теримданоқ пландаги 19 центнер ўрнига 20 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олинди. Бригада аъзолари мавсум охиригача гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга сўз бердилар.

Бригада планини қисқа муддатда бажаришга механик-ҳайдовчилардан Бекмурод Элмуродов, Қаноат Ҳамидов, Исоқ Қўчқоровлар баракали ҳисса қўшдилар. Мавсумда 350-400 тонна пахта теришга бел боғлаган бу дала гвардиячиларининг ҳар бири дастлабки икки кунда 20-25 тоннадан «оқ олтин»ни пўлат этаклардан ағдардилар.

Шунингдек, Шеробод районидаги Қосим Раҳимов номли совхознинг Жиянқул Рустамов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам пахта тайёрлаш йиллик планини жуда қисқа муддатда анча ошириб адо этдилар. Улар ҳозиргача ҳар гектар майдондан 30 центнердан хирмон кўтарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Бу пешқадам бригада аъзолари 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил териб топширишга сўз бердилар.

А. ХАЛИЛОВ.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

БУХОРО, («Совет Узбекистони» мухбири). Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг Раъно Собирова бошлиқ бригада аъзолари энг қисқа муддат — 7 иш кунида йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди.

Шаҳриҳайбар массивидаги 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтарилди.

Бригада пахтакорлари даладаги ҳосил чўғини чамалаб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Аҳил коллектив шу кеча-кундузда оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Шофиркон районининг хўжаликлари машина теримини областда биринчилар қаторида бошлаб юборишдилар. Карл Маркс номли колхоз далаларида 18 та терим агрегати пахтазорга тушди. Колхоз пахтакорлари бу йил 1070 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишга аҳд қилганлар. Бу улкан мақсадга эришиш йўлида механизация деҳқонларга чин дўст ва ҳақиқий мددкор бўлмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) механик-ҳайдовчи Фозил Иброҳимов, бош агроном Пўлат Ҳамроев, механик-ҳайдовчилар Наримон Сафаров ва Каир Ниёзов ўртоқлар машинада терилаётган пахтанинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Б. Мўминов фотоси, (ЎзТАГ).



САМИМИЙ ТАШАККУР

КПСС Марказий Комитети номига совет кишиларидан ва меҳнат коллективларидан, шунингдек чет мамлакатлардаги қардош партиялардан, барча қитъалардаги давлат арбоблари ва айрим гражданлардан жуда кўп хат ва телеграммалар олинди. Ана шу дўстона мактубларда партия ва давлатимизнинг халқаро майдондаги йўлига юксак баҳо берилади, улар томонидан кўрилган ва кескинликни янада юмшатиш ҳамда умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар маъқулланади. Шу билан бирга, жумладан, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилиши муносабати билан шахсан менинг шаънимга ҳам самимий табрик сўзлари изҳор қилинади.

Юборилган табрикномалар ва қутловлар учун КПСС Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан самимий ташаккур ҳамда чуқур миннатдорчилик изҳор қилиб, аввало, совет ташқи сиёсатининг шак-шубҳасиз қўлга киритган муваффақиятлари бутун партиямиз фаолиятининг самараси, бутун халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати ва кураши натижаси эканлигини таъкидлаб ўтишни истайман.

Социалистик, чинакам тинчликсевар ва изчил демократик ташқи сиёсатимизнинг асосларини улуғ Ленин вужудга келтирган эди. Биз совет коммунистлари Ленин ғояларини ва у ишлаб чиққан принципларни мустаҳкам дастур деб биламиз. Бу принципларга садоқат, уларни ижодий тарзда ривожлантириш ва тадбиқ этиш ташқи сиёсий йўлимиз қуч-қудратининг битмас-туганмас манбаидир.

Сиёсатимиз мақсадларининг совет халқи манфаатларига тамомила мос эканлиги ва шу боисдан совет кишиларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма ишларимизни чексиз қўллаб-қувватлаётганлиги—бу куч-қудратнинг яна бир энг муҳим манбаидир. Қишки саройни қўлга олган ва улуғ Ватан уруши йилларида революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларнинг унутилмас жасорати, биринчи беш йилликлар зарбдорларининг қаҳрамонона бунёдкорлик меҳнати ва ҳозирги тинч шароитда коммунизм учун олиб борилаётган қураш қаҳрамонларининг зафарлари давлатимизнинг енгилмас куч-қудратини вужудга келтирди, ташқи сиёсатимизнинг ғоят зўр обрў қозонишини таъминлади.

Халқаро сиёсатимизнинг принципларини ва амалий ишларини бошқа мамлакатлардаги тинчликсевар жамоатчилик ҳам тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаётганлигини қайд қилиб ўтиш ёқимлидир. Ана шу тинчликсевар жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши XXIV съездимизнинг белгилаган йўли, бу съездда қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошириш учун қилаётган конкрет ҳаракатларимиз тўғри эканлигини исбот этувчи яна бир далил бўлиб, бу программада қўйилган мақсадларга эришилишига бўлган ишончнинг муҳим манбаидир.

КПСС Марказий Комитети номидан, Марказий Комитет Сиёсий бюроси номидан ишонтириб айтаманки, биз партия Программасида, партия съездларининг қарорларида белгиланган принципиал синфий йўлни, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қуриш учун халқаро майдонда энг яхши шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташқи сиёсий йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ва оғишмай амалга ошираверамиз. Биз буни ўзимизнинг совет халқи олдидаги, ҳамма мамлакатлар меҳнаткашлари олдидаги революцион бурчимиз деб биламиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари
Л. БРЕЖНЕВ.

УНВОНЛАР МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН ССР ЧОРВАЧИЛИК ИЛҒОРЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган катта муваффақиятлари ва 1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда кўрсатган зўр меҳнат шижоати учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Урок ва болға» олтин медали топширилсин:**

Жонгиров Раззоқ — Самарқанд область, Нарпай районидаги «Карноб» давлат наслчилик заводининг бош чўпони.

Котова Мария Анисимовна — Сирдарё область, Боёвут районидаги А. Руцкий номли совхознинг сут соғувчиси.

Тожибоев Султон Акбарович— Андижон область, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг сут соғувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 6 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришилган катта муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, қишлоқ Советларининг раислари, колхоз ва совхозлардаги партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ходимларининг катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

СССР Олий Совети Президиумининг СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонлари «СССР Олий Советининг ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

МАШИНА ТЕРИМИГА ШАЙМИЗ

ТЕЛЕФОНДА ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ ЖЎРА ХОНАЗАРОВ

— Совхозимиз коллективи давлатимизнинг жуда катта моддий-техника ёрдамига таяниб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи босқичи — 1973 йилда пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирдилар. Йил бошида 16 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олган эдик. Кейинчалик ҳосил чўғини чамалаб кўриб, яна 800 тонна «оқ олтин» тайёрлаш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилдик. Пахта ўтган йилдагидан анча олдин пишди. Шунга яраша меҳнат қилинди, албатта.

Ҳозир пахтачиликда ҳал қилувчи босқичга кирдик. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини 20 иш кунида йиғиб-териб олиш ва давлат тайёрлов органларига юқори сорт билан етказиб беришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан «зангори кема»ларда териб оламиз. Шунга етадиган машиналар, механизм ва агрегатларга эгамиз. 100 та терим машинасини ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйганимизга анча бўлди. Иш бошланган пайтда догда қолмаслик учун ҳар бир машина, механизм ва агрегатни синовдан ўтказдик, аниқланган нуқсонларни вақтида бартараф этдик. Техника воситаларимизнинг ҳаммаси икки сменада унумли ишлайди деб ўйлаймиз.

Бироқ ўтган йилларда айрим машиналар далада техника ёрдамига муҳтож бўлганидан кўз юма олмаймиз. Шуни ҳисобга олиб кўплаб кўчма устахоналар ташкил қилдик, уларда малакали токарлар, слесарлар, механиклар иш олиб боради, зарур топилган чоғда техника ёрдами кўрсатади. Мақсадимиз шуки, терим даврида бирорта машина, механизм ва агрегат бекор туриб қолмасин, юқори унум билан ишласин.

Совхозимиз пахтакорлари республикамиз механик-ҳайдовчиларининг мамлакатимиздаги барча пахтакорларга қарата ёзган ва КПСС Марказий Комитети маъқуллаган хатини зўр эътибор билан ўқиб чиқдилар, уларнинг фикрига тўла қўшилдилар. Ҳар бир механизаторимиз ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Якун шу бўлдики, ҳар бир 2 қатор терим машинасида совхозимиз бўйича ўртача 140 тонна пахта терилади. Ундан кам пахта терадиган бирорта механизатор бўлмайди. Шунда ҳосилнинг ҳаммасини 20 иш кунида саранжом-саришталаб оламиз. Ҳисоб-китобимиз шундай.

Яхши ният амалий иш билан мустаҳкамлангандагина қувонч келтиришини яъни пландар ва социалистик мажбуриятимиз бажарилиб, партиямиз, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам машина теримини тезроқ бошлаш ҳораларини кўрмоқдамиз. Энг муҳим шарт — дефолиацияни вақтида, сифатли қилиб ўтказишдан иборат. Бу иш нечоғли тадбиркорлик билан амалга оширилса, фурсат шунча қисқаради, иш унуми юқори бўлади. Ҳозир тракторларда дефолиантлар сепиш бошлаб юборилди. Ҳамма пайкалларнинг четлари деярли дориланиб бўлинди. Энди навбат самолётларга келди.

Эрта-индин пахтазорларимиз тепасида самолётлар уча бошлайди. Ҳар куни 500-600 гектар майдонга дори сепамиз ва агротехниканинг бу муҳим тадбирини узоғи билан 5-6 кунда ўтказиб бўламиз.

Мутахассисларимизнинг фикрига қараганда, ғўза тупларидаги кўсакларнинг асосий қисми пишиб очиляпти. Шуни назарда тутиб, дефолиацияни табақалаб бошлаш ва қисқа фурсатда ёппасига тугаллаш мақсадга мувофиқдир, деган фикрдамиз. Машина теримини умумий кўсакларнинг 65-70 проценти очилганда бошлаймиз. Унгача дорилаш йўли билан ғўза баргларини тўла тўктириб бўламиз.

Машиналар билан бир қаторда 300 та тележкани ҳам мавсумга шайлаб қўйдик. Ҳар бир тракторга 5-6 та тележка биркитамиз, терилган пахтани пешма-пеш тайёрлов пунктига жўнатамиз. Бу йил биринчи сорт пахта тайёрлашни кўпайтиришга янада жиддий аҳамият берамиз. Чунки енгил саноатимизга шундай хом ашё зарурлигини, бундан давлатимиз ҳам, хўжалигимиз ҳам катта иқтисодий фойда кўришини тушунамиз.

Юқорида борлиқ ҳосилни «зангори кема»ларда териб олишимизни айтдик, теримда ёрдамчилар олмаймиз, студентларни ўқишдан қолдирмаймиз. Буни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Лекин терим даврида бир қисм пахта ерга тўкилишидан ҳам кўз юма олмаймиз. Одатда ўшандай тўкилган пахта қўлда териб олинади. Натижада фурсат қўлдан бой берилади, маҳсулот таннархи қимматлашади. Биз тўкилган пахтани ҳам подборщикларда териб оламиз. Шу мақсадда 60 та подборщикни ремонтдан чиқариб қўйдик, зарур бўлган кезда байроқча кўтарилиши билан ишга туширилади.

Пахта йиғим-теримида мардлик, жасорат намунасини кўрсатиб меҳнат қилишни жонажон ишимиз деб биламиз. Бу ишдан ҳеч ким четда турмайди, аксинча, пахта майдонида фидокорона меҳнат қилади. Ҳаммаининг ҳаракати, машиналар қудрати билан пахта теримини 20 иш кунида тўла тугаллаб, ғалаба рапортига имзо чекамиз.

4.750 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1973 йил 6 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда; учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қашқадарё	1,48	9,73
Бухоро	0,80	5,16
Сурхондарё	1,01	5,05
Андижон	1,12	4,28
Фарғона	0,93	3,33
Наманган	0,51	1,33
ҚҚАССР	0,25	0,62
Хоразм	0,47	0,47
Сирдарё	0,08	0,26
Тошкент	0,05	0,11
Самарқанд	—	—
Республика бўйича:	0,61	2,68
Шу жумладан пахта:	ингичка	толали
Сурхондарё	1,12	7,44
Қашқадарё	1,14	5,09
Бухоро	0,10	0,42
Республика бўйича:	1,02	6,13

Республика областларида дефолиациянинг борыши тўғрисида шу йил 6 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — бажарилиш проценти.

Сирдарё	72113	37,4
Қашқадарё	23847	34,1
Андижон	32879	28,6
Тошкент	34726	26,7
Бухоро	27643	26,6
Сурхондарё	22234	22,2
Наманган	15528	14,8
Фарғона	13702	11,8
ҚҚ АССР	10040	9,1
Хоразм	4239	6,0
Самарқанд	4100	3,5
Республика бўйича:	261041	21,2

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

АҚШ соғлиқни сақлаш ходимлари делегацияси Узбекистон ҳаёти билан уч кун танишди. Делегацияга АҚШ соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри Каспар У. Уэйнбергер бошчилик қиляпти.

Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга бориб, тарихий ёдгорликларни ва шу шаҳарларнинг янги қурилишларини кўздан кечиришди.

6 сентябрда делегация Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

АНДИЖОН МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Андижон областининг маккажўхорикорлари давлатга маккажўхори дони сотиш топшириғини республикада биринчи бўлиб адо этдилар. Батан омборларига 6.000 тонна сера дон тўкилди. 4500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан рекорд ҳосил — 80 центнердан дон йиғиб олинди. Ёш маккажўхорикорларнинг республика кенгаши қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик хатига жавобан юборган мактубларида зиммаларига олган социалистик мажбурият шараф билан бажарилди.

Андижон районидаги Навоий номли ва «Октябрь», Балиқчи районидаги Ленин номли, Марҳамат районидаги Свердлов номли ва «Октябрь 50 йиллиги», Москва районидаги «Партия XXII съезди» ва «Правда Востока», Қўрғонтепа районидаги Навоий номли ва Энгельс номли, Ленин районидаги «Узбекистон», К. Маркс номли ва «Правда Востока» колхозларининг маккажўхорикорлари ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам юқори маккажўхори дони олиб, бошқаларга ўрнак бўлдилар. Республикамизнинг донгдор маккажўхорикори Найни Маматқодиров бошлиқ бригада аъзолари 103 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 115 центнердан маккажўхори дони олдилар.

Область маккажўхорикорлари ҳосилни йиғиштириб олиш, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш билан бир вақтда келгуси йил ҳосили учун гибрид уруғлиги тайёрлаб қўймоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ХОРЕЗМСКАЯ ПРАВДА» ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАСИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хоразм область меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш йўлидаги самарали ишлари учун «Хорезмская правда» область газетаси «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил 5 сентябрь.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Москва жамоатчилиги намояндаларининг 5 сентябрда Союзлар уйи Колонна залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши тарихий сана — Корея Халқ Демократик Республикаси тузилганлигининг 25 йиллигига бағишланди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров ва бошқалар ҳозир бўлдилар. ҲХДРнинг СССРдаги элчиси Квон Хи Ген, Корея—Совет дўстлиги жамияти марказий правлениесининг аъзоси, Корея ижтимоий фанлар академиясининг вице-президенти Тхан Хи Хо бошчилигида Корея — Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси ҳам шу ерда ҳозир бўлди.

Докладчи — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков совет кишилари Кореянинг бирлигини тиклаш, Корея ярим оролида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлидаги барча тўсиқларни тугатиш мақсадида корейс халқининг олиб бораётган адолатли кураши билан совет кишилари бирдам эканликларини таъкидлаб ўтди.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида гапириб, И. Т. Новиков бу сиёсат тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун актив кураш сиёсати бўлганлигини ва шундай сиёсат бўлиб қолишини уқтириб ўтди. Қардош партиялар раҳбарларининг яқинда Қримда бўлиб ўтган учрашувида КПССнинг ленинча ташқи сиёсатига юксак баҳо берилди. Тинчлик программасини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга, ГФР ва Францияга яқинда қилган визитларининг якунларини социалистик мамлакатларнинг халқлари, халқаро коммунистик ҳаракат, бутун прогрессив инсоният тўла маъқуллади.

Совет — Корея дўстлиги, деди сўзининг охирида И. Т. Новиков, халқларимизнинг қимматли ғалабасидир.

ҲХДРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Квон Хи Ген ўз ватанида озодлик курашининг оғир кунларида ва урушдан кейинги тикланиш даврида Советлар мамлакати ёрдам ва маънавий мадад бериб турганлиги учун ва ҳозирги вақтда ҲХДР меҳнаткашларининг социализм қуриш ва тинч бирлашиш йўлидаги курашини актив қўллаб-қувватлаётганлиги учун КПССга, Совет ҳукуматига ва қардош совет халқига самимий миннатдорчилик билдирди. Корейс халқи, деди элчи, ўзининг яқин қўшниси ва иттифоқчиси — қардош совет халқи билан дўстликни қадрлайди.

(ТАСС).

БУГУН — ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ АКТИВИННИНГ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИ ОЧИЛАДИ

ШИОРИМИЗ — СИФАТ

Ф. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР енгил саноат министри.

Социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан тараққий эттириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини муттасил ишлаб чиқаришга жорий эта бориш ва меҳнат унумдорлигини юқори кўтариш асосида халқ моддий ва маданий ҳаёти даражасини янада яхшилаш тўққизинчи беш йиллик олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда партия Марказий Комитети СССР Енгил саноат министрлигининг пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети қарорларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги масалани кўриб чиққанлиги ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилганлиги бежиз эмас.

Бугун Тошкентда маҳсулот сифатини янада яхшилашга бағишлаб очиладиган республика енгил саноати ходимлари активининг анжумани ана шу масалаларни атрофлича муҳокама қилади. Министрлигимизга қарашли саноат корхоналарининг коллективлари шу йилнинг ўтган саккиз ой мобайнида кузончли ютуқларни қўлга киритдилар. Улар 818,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ни реализация қилишди. Меҳнат унумдорлиги 2 процент ортди. Пландан ташқари 600 минг квадрат метр газлама, 338 тонна калава, 31 минг дона устки трикотаж буюмлари, 627 минг жуфт пайпоқ, 2 миллион сўмлик кийим-кечак, 300 минг сўмлик галантерея буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Республикамиз енгил саноати ходимлари Белоруссия, Қозоғистон сингари қардош республикаларнинг енгил саноатчилари билан ўзаро мусобақалашиб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Яқинда Белоруссия ва Қозоғистон ССР енгил саноатчилари вакилларининг иштироки билан министрлигимиз коллегиясида социалистик мусобақа шартларининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. Илғор коллективлар ва ишчилар қимматбаҳо буюмлар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Ҳозирги кунда корхоналаримизда 400 дан зиёд ишлаб чиқариш новаторлари ўз зиммаларига олган шахсий беш йиллик планларини муваффақиятли бажариб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига иш бажаришаётир. 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш пешқадамлари 1974 — 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида янги техникани кенг жорий этиш бўйича 400 та тадбир ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Бундан корхоналаримиз 1,6 миллион сўм иқтисодий самара кўрди. 400 дан зиёд ишчи оғир қўл меҳнатидан халос этилиб, бошқа участкаларга ўтказилди. Шу даврнинг ичида 1700 рационализаторлик таклифлари ва 10 та ихтирочилик таклифлари жорий этилиб, улардан 2760 минг сўм иқтисодий самара олинди.

Ҳал қилувчи йилнинг биринчи ярмида пойафзаллар ассортименти 65 процентга ошиб, 225 та янги хил моделларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Шунингдек, 300 та янги хил кийим-кечак моделлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. «Пеллакс», «Рябинка», сунъий тери ва бошқа сунъий толалардан тўқилган газламалардан тикилувчи янги хил кийим-кечаклар тайёрлаш ўзлаштирилди. Тошкент трикотаж фирмасида ишлаб чиқарилаётган болалар ва хотин-қизлар кийимларининг янги хиллари тайёрланди. Устки ва ички янги хил трикотаж кийимлар тикилмоқда. Сунъий ипак газламалардан болалар учун иссиқ ички трикотаж кийимлар ҳозирланяпти. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида пойафзалларни чидамли қилиб тикиш бўйича янги технология жорий этилди. 2-пойафзал фабрикасида эса ҳар хил ускуналар ва янги технология жараёнлари ўзлаштирилди. Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида кийим-кечакларнинг 27 моделига давлат «Сифат белгиси» берилди. Жами давлат «Сифат белгиси» билан 59,2 минг дона кийим-кечак ишлаб чиқарилди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларимиз ҳам йўқ эмас. Талай корхоналаримизда маҳсулот сифатини тўхтовсиз ошириб бориш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, янги техника ва илғор технология ютуқларини муттасил жорий эта бориш каби муҳим тадбирларга эътиборсизлик билан қаралаётганлигини учратиш мумкин. Бундай корхоналарда технология жараёнлари қоидаларига риоя қилинмаётир. Давлат стандартлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланмаяпти. Андижон пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 52 проценти, Наманган пойафзал фабрикасининг 57 процент, Бухородаги Партия XVI съезди номли тикув фабрикасининг 23 процент, Тошкент «Юлдуз» тикув фирмасининг 40 процент, Бухоро трикотаж фирмасининг 12 процент, Самарқанд трикотаж фабрикасининг 62 процент, Андижон трикотаж фабрикасининг 19 процент маҳсулоти қайта ишлашга юборилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Сифатсиз маҳсулотларни қайта ишлашга кетган харажатлар — фақат 1973 йилнинг биринчи ярмида 660 минг сўмни ташкил этди. Бундай ачинарли ҳол билан муроса қилиб бўлмайди.

Бир қанча корхоналар фаолияти кўздан кечирилганда техника контроли бўлимларида малакасиз контролерлар ишлашаётганининг гувоҳи бўламиз. Тўқимачилик тармоқлари аппаратидаги техника контроли бўлимларида ишлаётганларнинг атиги 30 проценти малакали — дипломли кишиларни ташкил этади. Маҳсулот сифатига баҳо берувчи муҳим участка — техника контроли бўлимларида ўз ишининг устаси бўлган малакали ходимлар ишламоқлари лозим. Бундан ташқари корхоналарда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш методи жорий этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. «Аълочи ишчи», «Қўли гул мастер», «Ўз касбининг устаси» каби фахрли номларни олиш учун ёш ишчилар ўртасида кўриклар, конкурслар ўтказиб туриш лозим. «Сифат кунлари» каби тантанали маросимларни ўтказишни одат тусига киритиш керак.

Республика енгил саноати ходимларининг шу кунги жанговар вазифаси — халқ истеъмоли моллари сифатини ошириш меҳнат унумдорлигини кўтариш асосида социалистик мусобақани янада қизитиб тўққизинчи беш йиллик план-топшириқларини шараф билан ошириб бажаришдан иборат.

Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмаси 50 хилдан ортиқ кондитер маҳсулотлари тайёрлайди. Суратда: корхона ширинликлар цехининг илғор ишчилари А. Каримулина ва Х. Рихсиеваларни кўриб турибсиз. Уларнинг ҳар бири смена топшириқларини 130-140 процент адо этиб, барчага ўрнак бўляпти.

В. Сиротнин фотоси.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози партия ташкилоти ва бошланғич «Билим» жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган лекторий ташкил қилинди. Лекторийга Ҳ. Холдоров, Х. Турсунов, К. Рўзиев, М. Олимов, Ш. Ашуров, Т. Маҳмудов, А. Жамолиддинов каби қиркдан ортиқ колхоз мутахассислари жалб қилинган. Лекторийда «КПСС XXIV съезди социалистик мамлакатлар дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида», «В. И. Ленин жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва раҳбари», «Ўзбекистон индустрияси ва қишлоқ хўжалигининг СССР экономикасидаги роли», «СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги социализмнинг буюк ғалабасидир», «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» каби темаларда лекция ўқилмоқда.

Лекция колхозчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР МАРКАЗИЙ УЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

5 сентябрь куни журналистлар марказий уйида матбуот конференцияси ўтказилиб, унда чет эл ва совет газеталари, радио ва телевидение компаниялари, информация агентликларидан 200 дан ошиқ мухбир ҳозир бўлди. Конференцияни СССР ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири В. Н. Софинский очди.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари М. П. Маляров яқинда П. И. Якир ва В. А. Красин устидан очиқ суд процесси ўтказилиб, улар советларга қарши чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда қўпорувчилик пропагандаси олиб боришда ҳамда Совет Иттифоқи тўғрисида бўхтон йўйдирмалар тарқатишда қатнашганликлари учун қамоққа ҳукм этилганликларини маълум қилди.

М. П. Маляров Якир билан Красинга қўйилган айблари ҳуқуқий асослаш устида тўхталди. Улар РСФСР жиноий кодекси 70-моддасининг биринчи кисмига тўла мувофиқ равишда жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Матбуот конференциясида қамоққа ҳукм қилинган Якир ва Красин совет журналистлари ва чет эл журналистлари ҳузурида гапирдилар. Улар ўзлари олиб борган қўпорувчилик фаолиятлари ҳамда чет эл марказлари билан қилган алоқалари тўғрисида гапириб беришди. Ғарбдаги буржуа матбуоти бу ишни Совет Иттифоқига ғўё аллақандай «оппозиция борлигининг нишонаси» деб талқинлаганлиги муносабати билан Красин ўз нутқида бундай деди:

— Биз совет жамоатчилигидан яккаланган ва совет жамияти манфаатларига қарши чиқувчи ёлғиз бир кичик гуруҳча эдик. Реакцион пропаганда бизнинг фаолиятимизни ҳаддан зиёд кўпиртириб юборди ва ўз мақсадларида биздан фойдаланиб қолди.

Красин Москвадаги чет эл мухбирлари орқали чет элга юборган материаллари Совет Иттифоқига душманлик руҳида бўлиб, Ғарбдаги «Халқ—меҳнат иттифоқи» деб аталган Советларга қарши ташкилот бу материаллардан ўзининг Советларга қарши манфаати йўлида фойдаланганлигини айтди.

— Биз шундай ҳужжатларни чет элга юбориб, — деди Красин, — жаҳон жамоатчилигида Совет Иттифоқи, совет кишиларининг ҳаёти тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилиб, уни чалғитдик.

Красин суд процессида ўзининг аввалги ҳаётини қайта баҳолаб, чиқарган асосий хулосаларидан бирини матбуот конференциясида бундай деб ифодалади: Биз давлатимизга ва унинг ўтказиб келаётган сиёсатига қарши чиқиш билан совет халқига қарши чиқдик.

Красин Ғарбдаги баъзи матбуот органлари ўзи билан П. Якир қилган айбларини тазйиқ остида бўйинларига олдилар ва тавба-тазарру қилдилар, деб ёзганлигини кулгили бир ҳол, деб атади. «Бизнинг терговда ва суддаги ҳатти-ҳаракатимиз ўзимизни ўтмишда жиноят қилишга олиб борган хатоимизни қайта баҳолаш натижаси бўлди», деди у.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан П. Якир «қилган айбларим зарарлигини англаб» айбимни бўйнимга олдим, деди. «Кўп ўйлаб ва ўтмишим устида кўп бош қотириб» шу хулосага келдим деди у.

Якир турли буржуа «комитетлар»нинг вакиллари Советларга қарши нашрларни қонунга хилоф равишда Совет Иттифоқига қандай қилиб келтирганликлари тўғрисида журналистларга муфассал гапириб берди.

— Биз ҳатти-ҳаракатларимиз мамлакатдаги мавжуд қонунларни бузишдан иборат эканлигини билар эдик, — деди у. Биз Ғарбдаги бир қанча мамлакатларда тузилган «комитетлар» билан алоқа олиб бордик, бу комитетлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шиорлари панасида ҳақиқатда Совет Иттифоқига қарши қўпорувчилик ишлари олиб боради.

Буржуа матбуотининг баъзи органлари СССРда «Демократик ҳаракат» деб аталган ҳаракат муносабати билан Красин номини тилга олишмоқда. Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетасининг мухбири Е. Машин Красиндан бу қандай «ҳаракат» деб сўради.

— Бу термин халқ-меҳнат иттифоқида ихтиро қилиниб, СССРга келтирилди, — деди Красин. — Биз ўз доирамизда бу терминдан камдан-кам фойдаланардик, чунки аслида ҳеч қандай шунақа «ҳаракат» йўқлигини билар эдик. Тўғриси, мен шу терминдан пропаганда мақсадларида фойдаланар эдим.

Франция журналисти Ж. Но («Экип» газетаси) Якирга савол берди, суд процессида Якир буржуа пропагандаси СССРда ғўё «бошқача фикр юритувчилар психиатрия шифохоналарига жойлаштирилади» деган гапларини уйдирма, деб айтганида нимани назарда тутганди, деди.

— Бир вақтлар менинг ўзим масаланинг моҳиятига етмай шундай хатлар тўқиб чиқарган эдим. Бундай гаплар очиқдан-очиқ туҳмат эди, — деди Якир.

Якир физик Сахаровга бир вақтлар ёзган хати тўғрисида Японияда Эн-Ти-Ви телевизион компаниясининг вакили Е. Миягаванинг берган саволига жавоб қайтариб, бундай деди:

— Сахаровнинг мақолалари ва айтганлари Советларга қарши нашрларда бериб турилишидан хабардор эдим. Бу ишлар — қонунга хилоф эканлигини билганим ҳолда Сахаровга ўйлаб кўришни маслаҳат қилган эдим. Лекин у илтимосимга қўнмади...

Мухбирлар Красин билан Якир жазони ўтаб бўлишгандан сўнг нима қилишмоқчи деб сўрашди. Илмий иш билан шуғулланишни давом эттиришни истайман, деди Красин. Совет кишилари сингари виждонан меҳнат қиламан, деб жавоб қайтарди Якир.

В. ПЕТРУНЯ,
ТАСС мухбири.

ТЕКИН ЁРДАМ

Совет Қизил Крести Покистоннинг баъзи районлари кучли селдан зарар кўрганликларини билиб инсонпарварлик ва интернационал бирдамлик принципларига амал қилиб, зарар кўрган аҳолига текин ёрдам беришга қарор қилди. Яқин кунларда махсус самолёт билан Покистон Қизил Крести номига 12 тонна ҳар хил дорилармон, шу жумладан, антибиотиклар, витаминлар, ўроб материаллари ва шу сингари нарсалар юборилади. (ТАСС).

Жаҳон бўйлаб

Япония. Нагоя шаҳридаги металлургия заводининг унумли ишлашига Совет Иттифоқида ишлаб чиқилган домна печлари совутиш технологиясидан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли эришилянти. Суратда: заводнинг кўриниши.

М. Демченко фотоси (ТАСС).

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

ОТТАВА. ТАСС мухбири. Совет армиясининг А. В. Александров номидаги қўш Қизил Байроқ орденли ашула ва рақс ансамблининг концерти катта муваффақият билан ўтди.

Икки ярим минг киши сиғадиган Оттава санъат марказий зали лиқ тўлди. Томошабинлар ансамбль ранг-баранг программасининг ҳар бир номерини олқишлар билан кутиб олди. Унинг программасида рус, украин, америка, канада қўшиқлари, шунингдек хореографик саҳналар бор.

Ансамблнинг раҳбари СССР халқ артисти Б. А. Александров ТАСС мухбири билан суҳбатда шундай деди: совет артистларини ансамбль гастролда бўлган Канаданинг ҳамма шаҳарларида, яъни Торонтода. Виннипегда, Ванкуверда гоят самимий кутиб олишди.

Оддий канадаликларнинг ҳиссиётларида, деди у, нейнинг йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганлиги, айниқса СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг Канадага қилган визити ва Канада Бош министри П. Трюдоннинг СССРга қилган визити натижасида муносабатларимизнинг яхшиланганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Совет армиясининг ашула ва рақс ансамбли Оттавадан кейин Монреаль, Лондон ва Квебенда гастролда бўлади.

СОВЕТ—КОРЕЯ ДЎСТЛИГИ ҲАФТАЛИГИ

5 сентябрда СССРда Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларининг миллий байрами — республика эълон қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланиб Совет — Корея дўстлиги ҳафталиги бошланади.

Совет — Корея дўстлиги жамиятида ТАСС мухбирига қуйидагиларни маълум қилишди: ҳафталик тадбирларининг кенг программаси ишлаб чиқилган. Бу программага мувофиқ жамоатчилик йиғилишлари ва дўстлик кечалари, бирдамлик митинглари ва қардош мамлакат намояндалари билан учрашувлар ўтказилади. Москва, Ленинград, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Латвия, Хабаровск ва Приморье ўлкаларидаги кўплигна корхоналар ва ўқув юртларида корейс халқининг социализм қурилишида эришган муваффақиятларини, унинг ватанни тинч бирлаштиришга қаратилган куч-ғайратларини акс эттирувчи фотовиставкалар очилади. Корейс кинофильмларини кўрсатиш ташкил қилинади.

Корея—Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси, шунингдек элчи Квон Хи Ген бошчилигида КХДРнинг Совет Иттифоқидаги элчихонаси дипломатия ходимлари ҳафталикда иштирок этишга таклиф қилинди. (ТАСС).

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ. 4 сентябрь. (ТАСС) Камбоджанинг катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турган Кампонгтям шаҳри остоналарида озодлик кучлари билан Пномпень қўшинлари ўртасида қаттиқ жанглар давом этмоқда. Ватанпарварларнинг артиллерияси кеча кечаси душманнинг шаҳарни маҳаллий аэродром билан боғлайдиган йўл атрофидаги позицияларини қаттиқ тўпга тутди. Душман қамал ичидаги шаҳарга ҳарбий анжомлар юбориш мақсадида парашют—десант қисмлари ҳамда вертолётлардан фойдаланиб, бу йўлда алоқани тиклашга уринмоқда. Аммо, озодлик кучлари тўплардан ўт очиб ва операциялар ўтказиб, ана шу уринишларни барбод этмоқда.

БАЙРУТДАГИ МОЖАРО

БАЙРУТ, 4 сентябрь. (ТАСС). Бугун кечаси Байрутда бўлиб ўтган қуролли можаро натижасида уч киши ҳалок бўлди.

Ливан армияси қўмондонлигининг бу ерда тарқатилган ахборотида айтилишича, армия соқчилари шаҳар кўчаларининг бирида бораётган такси машинасини тўхтатган. Машинани қўзғаб кечиришни вақтида офицер машинадаги пассажирлардан бирида қурол бор, деб гумон қилган. Текшириш ўтказиш мақсадида у машинани қарбий трибуналга ҳайдашни буюрган. Аммо пассажирлар бундан бош тортганлар, икки ўртада чиққан тўқнашув натижасида такси шофери ва икки пассажир ўлдирилган.

Ливан ҳукуматининг бугун ўтказиладиган мажлисида шу можаро тафсилоти муҳокама қилинади.

Ливан бош министри Т. Солих можаро сабабларини аниқлаш учун ички ишлар министри билан ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати раҳбарлари билан гаплашган. Матбуотнинг хабар қилишича, Фаластин доҳиралари воқеаларнинг нохуш тарада ривожланишига йўл қўймаслик чораларини кўрамиз деб Ливан бош министрини ишонтирганлар.

ПВПП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАРШАВА, 5 сентябрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг шу ерда бўлиб ўтган мажлисида мамлакат ички бозорини озиқ-овқат моллари билан таъминлаш тўғрисида ПХР ҳукуматининг ахбороти тингланди. Сиёсий бюро йил охиригача саноат молларини кўпайтириш билан айни бир вақтда бозорда моллларни анча кўпайтириш юзасидан бир қанча тадбирларни муҳокама қилди ва маъқуллади. Аҳолининг янги ва яхши сифатли молларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида савдо ва саноат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик формаларини янада такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

ВЕНЕСУЭЛА ПАРЛАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

КАРАКАС, 5 сентябрь. (ТАСС). Венесуэла парламенти Латин Америкаси эркин савдо уюшмаси — қитъада тузиладиган «умумий бозор» доирасидаги маҳаллий иқтисодий бирлашма бўлган Анд ривожланиш корпорациясига кириш тўғрисида ҳукуматнинг чиқарган қарорини тасдиқлади. Шундай қилиб Венесуэла Анд районида жойлашган мамлакатлар иқтисодий бирлашмасининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Анд ривожланиш корпорациясига Венесуэладан ташқари Чили, Колумбия, Эквадор, Боливия ва Перу ҳам киради.

ВАРНАДАГИ ҲАЛҚАРО КОНГРЕССДА

СОФИЯ, 5 сентябрь. (ТАСС). Рус тили ва адабиёти ўқитувчилари халқаро уюшмасининг иккинчи жаҳон конгресси Варнада ўз ишини давом эттирмоқда. Конгресс муҳокамасига қўйилган мақолалар 7 та секцияда қараб чиқилмоқда. СССР, Болгария, ГДР, Польша, ЧССР, ВДР, Румния, Венгрия, ГФР, Япония, Канада. Буюк Британия, Испания ва бошқа мамлакатларнинг намояндалари рус тили, ни ўқитиш методлари, янги типдаги дарсликлар ва ўқув қуроллари тўғрисида, шунингдек таълим бериш нинг технивавий воситалари ҳақида ахборот бердилар.

Конгресс иштирокчилари жаҳоннинг турли мамлакатларида рус тилини ўрганишга қизиқиш тобора кучаяётганлигини уқтириб ўтдилар.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТИ

ПОЛИЦИЯЧИЛАР ЖИНОЯТИ

Кейинги кунларда Хьюстон ва унинг атрофида 27 боланинг ўлиги топилди. Сўнгги уч йил ичида шаҳарда жойлашиб олган қотиллар жуда кўп болаларни ҳалок қилганлар. Хьюстондаги қонли жиноят бутун америка халқини ҳаяжонга солди. Жиноятчилар қидирилмоқда. Полициянинг бепарволиги, қотилларга нисбатан қонийлик қилишидан жамоатчилик қаттиқ ғазабга келди.

Полициянинг расмий вакиллари: жиноятчилар шу даража кўпайиб бормоқдаки, уларни ушлаш ва ҳатто кузатиш мумкин бўлмай қолди, деб сурбетларча гапирмоқдалар. Бегуноҳ кишиларни ўлдириш, уларнинг мулкини талаш, банкларга ҳужум қилиш, полициянинг сотқинлиги билан боғланиб кетган. Нью-Йорк полициясининг сотқинлик ишларини текшириш учун тузилган Уитмен Кнап бошлиқ расмий комиссия ҳам ўз докладида бундай жиноятларни очиб ташлаган эди.

Шуни алоҳида эслатиш лозимки, яқинда Кеннет Томлинсоннинг «Ридерс Дайжет» журналида босилиб чиққан «Қотилнинг башараси» деб номланган мақоласи ҳаммаларнинг диққатини ўзига тортди. Томлинсон ўз мақоласида 1973 йил 18 апрелда Нью-Йорк шаҳрида банкни ўғирлаш вақтида ўлдирилган қонхўр Мейс Браун ҳақида ёзади. Отаси ательеда ишлаган, онаси магазинда сотувчи бўлган Мейс Браун 1943 йилда Нью-Джерси штатида туғилган. У ўзининг 30 йиллик умрида одам ўлдириш, ўғирлик қилиш, қора дори сотиш каби жиноий ишларни бажарибгина келди. У 32 калибрли тўппонча билан қуролланган эди. Браун ўтган йилнинг октябрь ойида турманинг панжарасини арралаб қочиб кетишга улгурган эди. Браун қўлга тушиб қолганида, 1000 доллар пул бериб қочиб кетган вақтлари ҳам бўлган. Браун 13 ёшида машина ўғирлаш ишини бошлаб юборган эди. Бошқаларнинг меҳнати билан вужудга келган бойликни ўғирлаш, қандай йўл билан бўлса ҳам бойлик орттириш капиталистик жамиятга хос хусусият эканлигини капиталистик дунёдаги кишилар яхши тушиниб етмоқдалар. Ҳатто Томлинсон ўз мақолаларининг охирида «Биз Мейс Браунга ўхшаганлар билан нураш олиб боролмасак, ўз болаларимизга қандай намуна қолдирмоқчимиз», деб савол беради.

Рей Шульц ўзининг «Нью-Йорк таймс мегазин» журналида босилиб чиққан «Уильям Филлипснинг иши» деган мақоласида жиноятларнинг кўпайиб бориш сабабларини айтишга уринади. У жиноятларнинг кўпайишида, полиция идораларида, суд аппаратларида ва бошқа органларда ишловчи ходимларнинг сотқинлиги ҳам сабаб бўлаётганини айрим далиллар орқали исботлайди. Шуни алоҳида уқтириш лозимки, жиноятларнинг олдини олиш, унинг кўпайишига йўл қўймаслик учун ҳукумат томонидан қилинаётган чораларни деярли ҳаммаси бажарилмай қолмоқда. Полиция ходимларининг ўзлари қонунни бузмоқдалар. Полиция хизматини бажариш давомида, Уильям Филлипс ўзига қарашли участкадаги магазин хўмайинларидан доим катта миқдорда пул олиб келди. Одамларга қурол билан қўпорувчилик қилган ўғрини Филлипс павозимдан фойдаланиб, 3 минг доллар эвазига қўйиб юборди. Филлипсга қарашли участкада жойлашган ресторанга қўпорувчилик қилган шахслардан бирини ўз участкасига келтириб жазолаш ўрнига яна 3 минг доллар пора олиб қўйиб юборди. Буларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатлари ҳайтида авжига чиққан кўринишлардир. Капитализм ўзи яратган қонли иллатлари ўша жамиятдаги ишларга салбий таъсир этаверади. Хьюстонда юз берган қонли жиноят капитализм системасининг жирканч башарасини яна бир карра фош қилиб ташлади.

А. ОМИЛОВ,
Тошкент Давлат Педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

МОСКВА ГАСТРОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА БАЛЕТ САНЪАТИ

Бу ўзбек балетининг Москвага биринчи бор келиши эмас. Лекин бу гал Ўзбекистоннинг балет санъати намояндалари томошабинларга хилма-хил асарларни кўрсатдилар. Булар аввало шу театрда саҳна юзини кўрган «Тановор» (А. Козловский музикаси, Н. Маркарянц постановкаси, дирижер Д. Абдураҳмонова, рассом Г. Юнгвальд-Хилькевич), «Севги тумори» (композитор ва дирижер М. Ашрафий, Г. Измайлова постановкаси, рассом М. Мусаев), «Дон Жуан» (Л. Фейгин музикаси, А. Кузнецов постановкаси, дирижерлар М. Ашрафий ва Д. Абдураҳмонова, рассом М. Мусаев) каби асарлардир. Классик меросдан намуна сифатида А. Аданнинг ўлмас «Жизель»и (И. Юсупов постановкаси,) С. Прокофьевнинг «Золушка»си (И. Юсупов постановкаси, дирижер Д. Абдураҳмонова, рассом В. Климентьев) кўрсатилди. Шунингдек, театр санъаткорлари Д. Шостакович музика ёзган «Ойимқиз ва безори» ҳамда Бизе-Шчедриннинг «Кармен сюита» асарларини ҳам ўз талқиларида намойиш этдилар.

А. Козловскийнинг «Тановор»и навжувон Нурхон ҳақидаги мусиқавий-рақсий достон бўлиб, раққоса бўлишни орзу қилган қизнинг фожиавий қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Спектакль постановкачиси Н. Маркарянц асар воқеаларини шиддат билан ривожлантириб боравераді. Бу спектакль яна ҳам каттароқ муваффақият қозониши мумкин эди, бунинг учун постановкачи музикага яна ҳам жиддийроқ қулоқ тутиши ҳамда музиканинг миллий фазилатларига хоҳроқ рақс намуналарини тошиши лозим эди.

Бунда гап миллий спектаклга академик рақсни шундоққина кўчириб қўяқолиш устида эмас, балки миллий ва академик пластиканинг яхлитлигини излаш устида боряпти. Кўп миллатли совет балетида худди ана шундай йўл бараклаи бўлиб келди ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Миллий ва академик рақснинг ана шундай яхлитлиги асарнинг рақс тилига янги фазилатлар бахш этади ва демакки, балет спектаклининг жозиба кучини ҳам кучайтиради ва кенгайтиради. Шу боисдан ҳам миллий рақслари тадқиқ этиш ва демакки, халқ бадиий тафаккурининг табиатини тадқиқ этиш ва шу тариқа замонавий балет спектаклида чинакам халқчил, чинакам миллий асарни ижодий тарада қайта яратиш — бу масала яккагина Ўзбекистон учун муҳим бўлган муаммо бўлмаса керак.

«Севги тумори» балети ташқи аломатларига қараб баҳо берадиган бўлсак, «Тановор»га нисбатан рангдорроқ ва сербўёқроқ кўринади. Бу асарда ҳинд, ўзбек, лўлиларга хос куйлар ва рақслар сероб. Аммо, бу куй ва рақслар фақатгина иллюстрация ролини ўтайди, холос. Хореограф уларни образ тарзида, таъсирчан образ тарзида ишлатишга уринмайди, ҳисоб.

Бу балетда яна шундай бир ҳолатни ҳам кўрамиз: халқ рақси омма учун, академик рақс эса қаҳрамонлар учун бўлиб берилгандай. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам бу балетда рақс фақат рақсгина бўлиб қолиб, характерни яратиш учун образли хореографиқ восита, қаҳрамонларнинг кайфиятини, руҳий ҳолатини ифодаловчи хореографик восита бўлмай қолган.

Гастроль томошаларининг безаги сифатида «Жизель»ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу асарни И. Юсупов меҳр-муҳаббат билан саҳнага қўйган. (Консультант ССР Иттифоқи Большой театрининг балетмейстер-репетитори Т. Никитина).

«Жизель» ҳамма вақт балет труппаси маҳоратига, айниқса рақ-қосалар санъати, маҳоратига имтиҳон бўлиб келган. Тошкентлик меҳмонлар ана шу имтиҳонни шараф билан топширдилар деб айтиш мумкин. Ўзбек хореография мактабининг ҳамма фазилатларини раққосалар ана шу спектаклда намойиш эта олдилар. Ана шундай чинакам навқирон, чинакам мутаносиб ва чинакам мукаммал ансамблни нозик ҳис этадиган ҳамда спектаклнинг романтик услубини бутун вужуди билан тушунадиган кордебалетни кўп ҳам учратавермаймиз. Театрни «Жизель»да истеъдоди намоён бўлган янги солистка билан табриклаcак арзийди.

Кордебалетнинг ёш артисткаси Т. Подгурскаяни Мирта ролига тайинлаб театр мардона иш қилган. Т. Подгурская балетга қўйиб кўйгандай: келишган гавда, қушдай енгил кўчиб сакраш, охиста ҳаракатлар, илҳом парисидек маъсумалик ва ниҳоят музикани идрок этиш каби фазилатлар бу ёш артисткага хосдир.

В. Муҳамедов ижро этган Альберт партияси спектаклнинг ёрқин саҳифасидир. Романтик қаҳрамонинг ташқи қиёфаси, маҳорат билан рақсга тушиш, яхши мактаб кўргандек услубни нозик тушиниш каби фазилатлар бу ёш артистга «Кармен сюита» спектаклида хуш феъл, қайноқ қалб Тореадор ролини ўйнаганида ҳам қўл келди.

«Жизель» партияси Бернора Қориеванинг санъаткорлик услубига яқин туради. Унинг ташқи кўринишдан у қадар кўзга чалинмайдиган гўёки нозик, рангпар ипаклардан тўқилгандек рақсида лирик интонациялар устун турали. Шу боисдан бўлса керак, биринчи кўринишдаги ёш деҳқон қизнинг яйраб-қувнашига нималардир монелик қилаётгандек кўринади. Худди шу сабабга кўра бўлса керак, Қориева — Жизель Виллис саҳнасида ҳам Альбертни бошқаларга кўра ийманиброқ ҳимоя қилади. Лекин бу раққоса санъати шунинг учун ҳам жозибадорки, у Соханий («Севги тумори») образида ҳам, «Золушка»да ҳам, «Тановор»даги Нурхон ролида, «Ойимқиз ва безори» спектаклида яратган образида ҳам ўз ўйлидан боради. Қориева «Ойимқиз ва безори»да меҳр ва иззатга жуда ҳам муҳтож бўлган норасида қизча образини яратган. Қориеванинг қўллари нақадар ажойиб. Бу қўллар гўё одам ганасининг қўлларидек енгил, бу қўлларда қаҳрамонлар кайфиятидаги билинар-билинмас ўзгаришлар, улар руҳидаги ўзгаришлар шундоққина акс этади.

«Жизель» спектаклидаги музика муҳитини, «Жизель»нинг партитурасидаги улуғвор соддаликни спектаклнинг музика раҳбари Мухтор Ашрафий рўёбга чиқариб, бутун томоша мобайнида асраб авайлади.

«Золушка»да эса (дирижер Д. Абдураҳмонова) партитуранинг автор яратган текстига сидқидилдан риоя қилинади. Постановкачи асарни саҳнага қўяр экан, турмушга оид майда-чуйдалардан ҳамда томошабининг кўзини қамаштирадиган деталлардан қочади. Аммо, балетнинг дастлабки редакциясини янгилаш ва яхшилаш шу билангина кифояланади. И. Юсупов талқинида балетнинг янги рақс тексти фақат иллюстрация тарзидагина бўлиб қолган. Бу рақслар воқеалар келтириб чиқармайди, характерлар яратмайди. Замонавий балет эстетикасининг ана шу принципиал ютуқларини тошкентлик артистлар бундан буён ўзлаштириб олишлари керак. Прокофьев асарларини саҳналаштирмоқ учун ана шу ютуқларни ўзлаштириб олмоқ зарур бўлади.

«Кармен сюита»да жами музикавий — хореографик воқеаларнинг оҳангдорлигига путур етганлиги шундоққина сезилиб туриши устига гўё балетмейстер Н. Маркарянц музика билан «якка олишувга» чиққандек кўринади. Асарнинг дирижери Д. Абдураҳмонова. Труппада ишлаётган ижрочиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиб ўзига хос хореографияни рўёбга чиқариш мумкин ва зарурдир, лекин бунда аввало музиканинг мазмунини тушуниш ва тингловчига етказиш асар драматургиясининг мағизини ўзига яраша бўлсада чақиш лозим. Агар таъбир жоиз бўлса, музиқали театрда ишлаётган санъаткорнинг ижодий эркинлигини маълум маънода занжирбанд эркинлик деб айтиш мумкин. Чунки, хореограф фонтазияси, хаёли музикадан илҳом олиши, оҳангдан йўлланма олиши лозим. Акс ҳолда эса музикани ўзича талқин қилиш чегарадан ўтиб кетиши мумкин. Ўзбекистонлик артистлар кўрсатган спектаклда ана шундай бўлди.

Ва ниҳоят, «Ойимқиз ва безори» спектакли жуда ҳам табиий, жуда ҳам латофатли ва ҳаяжонли музикали хореографик ҳикоя бўлиб, Совет Россиясининг дастлабки йиллари ҳақидаги асардир. Бу балет тасвирий воситалари қайтарилмас ва жуда ҳам аниқдир. Гўё санъатнинг бошқа тури «тилида» бу қадар мукаммал тавсиф этиш қийиндай. Д. Шостаковичнинг дастлабки асарларидан танлаб олинган музика нақадар мос бўлиб тушганига тан берасан киши. Тошкентлик артистлар ана шу спектаклда ёниб-жўшиб, дил-дилдан рақсга тушадилар. В. Васильев илгаридан ҳам техникани мукаммал эгаллаган услуби тиниқ ва равон раққос сифатида, дуэтларда моҳир партнер сифатида маълум эди. Артист безори ролида ўз санъаткорлик маҳоратининг янги қирраларини кашф этди. Артист ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни туйғулари билан яхши ифодаладі. Безори ҳимоясиз қолган назокатли қизчага ўз муҳаббати ва миннатдорчилигини изҳор қиладигаи саҳналарда артист алоҳида жозиба билан ўйнайди. Балетмейстер Н. Маркарянц ўша давр-нинг ижтимоий аломатларини кўрсатмаганига ачинасан киши. Маяковский ёзган киносценарийда ёш муаллиманинг яланг оёқ безорига муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинса, спектаклда соддадил қизнинг безорига муҳаббати ҳақида гап боради.

Спектаклдаги декорациялар, жуда ҳам чиройли бўлса-да, фақат декорация бўлиб қолган. Уларнинг аксарияти қунт билан яхши ишланганини айтиб ўтмоқ керак. Рассом М. Мусаев ишларида мураккаб нақшларнинг жилосига, бўёқларнинг ранг-баранглилигига қойил қоласан, киши. «Золушка»ни безаган рассом В. Климентьев ўзининг нозик дидини, санъаткорона нафосатини, шоирона руҳини кўрсата олди. «Кармен сюита» ҳамда «Ойимқиз ва безори» балетларини безаган рассом Г. Юнгвальд-Хилькевич картиналари мароқли, оригинал, Назаримда саҳнавий образнинг ривожини кўрсатмоқ учун рассомлар нурдан дуруст фойдаланишаётгани йўқ.

Ўзбек балети қадимий миллий анъаналар ворисидир. Бу коллективнинг ягона мактабга ўқиган бўлиб, бу мактабда ажойиб санъаткорлар ишлашмоқда. Г. Измайлова, Ё. Қориева, Н. Ёқубова, В. Васильев, С. Бурхонов, В. Корсунцев, В. Проскурина, Н. Поччекова, Р. Тангуриев, Қ. Соатов, И. Юсупов каби санъаткорларнинг тажрибаси труппадаги ёш артистларнинг ғайрат-шижоати ва ижодий изланиши билан ажиб бир тарзда ўйғунлашиб кетмоқда. Театр спектакларида В. Муҳамедов, Т. Подгурская, Т. Черчова, Г. Ҳамроева, Л. Харченко, Е. Вишинская, С. Мусаева, Н. Андреев, Р. Ҳамроева, Ш. Турсунов, И. Контяво, В. Егай сингари артистлар ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Бу коллективнинг имкониятлари ҳақиқатан ҳам битмас-туганмасдир. Ўзбекистонда Катта балет равнақ топмоқда. Бу балет ислиимоқда, бахслашмоқда, қидирмоқда, янги кашфиётларга тайёргарлик кўрмоқда.

Э. ШУМИЛОВА,
санъатшунослик кандидати.
«СОВЕТСКАЯ КУЛЬТУРА» газетаси.
31 август, 1973 йил.

Тошкент трактор заводи коллективи тўққизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи йилида халқ хўжалигига 36 минг автоприцеп ва 19 минг «Т-28Х4» маркали тракторлар етказиб беради. Суратларда: (чапдан) бош конвейернинг йиғувчи-слесари И. Туйкин навбатдаги трактор қисмларини йиғяпти. Ўнгда эса заводда ишлаб чиқарилган тайёр тракторлар истеъмолчиларга жўнатилиш олдидан. Рулда слесарь А. Долгов.

И. Глауберзон фотолари.

«ЛЕСДРЕВМАШ-73»

СОКОЛЬНИКИ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Москвадаги «Сокольники» паркида ташкил қилинган виставка шаҳарчасининг бош ҳиббони узра «ЛЕСДРЕВМАШ-73» халқаро виставкасида қатнашаётган 21 мамлакатнинг байроқлари қилираб турибди. Бу ерда 700 дан ортиқ фирма, корхона ва ташкилот ўрмон ва ёғочсозлик саноати учун фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини намойиш қилади.

Виставкада энг йирик бўлган Совет Иттифоқининг экспозициясига ёғочни дастлабки ишлаш учун мўлжалланган механизмлар, кучли трактор ва автомобиллар, ёғоч тилишда ишлатиладиган станоклар ва автоматлаштирилган линиялар, ёғоч ортиш ва туширишларини механизациялаштиришда керакли агрегатлар қўйилган.

Социалистик мамлакатлар — Чехословакия, Польша, Болгария, Венгрия, Руминия, Югославиянинг ўрмон, мебель ва ёғочсозлик саноати соҳасидаги ютуқлари кенг кўрсатилган. Катта экспозициялар орасида Австрия, Италия, Канада, АҚШ, Швеция, ГФР, Финляндия ва бошка мамлакатлар фирмаларининг маҳсулотлари бор.

(ТАСС).

ШОН-ШУҲРАТ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

НАМАНГАН, 5 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда наманган шуҳрат ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталик касаба союзлари область Совети, «Билим» жамиятининг бўлими, область комсомол комитети, область ҳарбий комиссариати ва ДОСААФнинг область комитети ташаббуси билан ўтказилмоқда. Шаҳарларда ва район марказларида, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида ватан урушининг ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади. Ҳарбий-ватанпарварлик фильмларининг область кино фестивали ташкил қилинади. Спортнинг ҳарбий-техника турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Ҳарбий адабиёт билан савдо қилиш кенг кўламда уюштирилади.

Бугун наманганликлар Совет Армиясининг Улуғ Ватан уруши даврида катта-катта жангларга бошчилик қилган таниқли ҳарбий бошлиқларини самимий кутиб олдилар. Кечқурун шаҳар маданият саройида область маркази меҳнаткашларининг меҳмонлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада кўриқ ерларни ўзлаштиришдаги хизматлари ва туғилганига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари — ишлаб чиқариш-фармойиш бериш бошқармасининг бошлиғи Георгий Павлович Гайсинскийни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

АДИБЛАРНИНГ ОЛИЖАНОБ БУРЧИ

(ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ V КОНФЕРЕНЦИЯСИ).

ОЛМАОТА, 5 сентябрь. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бешинчи конференцияси ўз ишини давом эттирди. Икки қитъа адиблари тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда мамлакатлар ва халқларнинг иштироки ҳамда ана шу ҳаётий муҳим ишда ёзувчиларнинг роли проблемаларини муҳокама қилмоқдалар. Конференция қатнашчилари ўз ижодлари билан мўътабар мақсадга — халқаро кескинликни юмшатишга хизмат қилишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Дунёдаги турли мамлакатлар давлатлари, ҳукуматлари ва жамоат ташкилотлари бошлиқларидан аниқуман маълумотлар келган ва унинг муваффақиятли, самарали ишлашига тилакдошлик билдирилган табрикномалар ўқиб эшиттирилади. Жумладан, Миср Араб Республикасининг президенти ва бош министри Анвар Садатдан, Ҳиндистон Республикасининг бош министри Индира Гандидан, Сенегал Республикасининг президенти Леопольд Седар Сенгордан, Камерун Бирлашган Республикасининг президенти Амаду Ахижодан, Сомали Демократик Республикаси Олий Революцион кенгашининг президенти генерал Муҳаммад Сиад Барредан, Эрон бош министри А. Хувайдодан, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Г. Яблоньскидан табрикномалар олинди.

5 сентябрдаги яппи мажлисда Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Юсуф ас-Сибоий сўзга чиқди. У уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида, ёзувчиларнинг империализмга, сионизмга, эски ва янги мустамлакачиликка, иркчиликка қарши курашдаги роли ҳақида гапирди. Докладнинг махсус бўлими уюшманинг иши тўғрисидаги ҳисоботга бағишланди. Юсуф ас-Сибоий бу конференцияни Олмаотада ўтказиш имкониятларини берилганлиги учун, Африка — Осиё ёзувчилари ҳаракатига берилаётган катта ёрдам учун совет халқига, Коммунистик партияга ва СССР ҳукуматига миннатдорчилик билдирди.

Жазоир ёзувчиси М. Маммери икки буюк қитъанинг илғор адиблари тинчликсевар кучларни бирлаштириш ҳамда одамларни мустамлакачиликка қарши ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги олижаноб бурчларини адо этадилар, деб ишонч билдирди.

Конго Халқ Республикасининг вакили Летамбэ Амбили Антуан ўз нутқини Африка халқларининг қадимий маданиятини қайта тиклашда ёзувчилар ўйнайдиган ролга бағишлади. Африка — Осиё ёзувчилари, деди нотиқ, кишининг эксплуатация қилинишига қарши, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашни ҳеч қачон тўхтатмайдилар.

Ҳозир Осиёда ва Латин Америкасида миллий мустақиллик учун олиб борилаётган курашни биз қўллаб-қувватлаймиз.

Нигер Республикасидан келган ёзувчи Диадо Амаду Диадор ўз нутқини миллий озодлик учун олиб борилаётган курашнинг муҳим проблемаларига бағишлади. У ҳозир Африка халқлари ўз миллий маданиятини қайта тиклаш учун зўр бериб ҳаракат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ёзувчилар ўз халқларига шу халқларнинг ўтмишини ҳаққоний равишда тасвирлаб беришлари, мустамлакачилик вайроналари ўрнида қурилаётган порлоқ истиқбол манзарасини кўрсатишлари керак.

Диадо Амаду Диадор Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг уюшмаси дунёдаги тараққийпарвар халқлар реакцияга қарши олиб бораётган курашда янада активроқ роль ўйнайдилар, деб ишонч билдирди. Олмаотадаги бешинчи конференция ҳозирги замонинг актуал проблемалари хусусида фикрлашиб олиш учун имконият беради, тинчлик ва социал тараққиёт учун янада қатъият билан кураш олиб бориша кўмаклашувчи йўллар ва воситаларни яхшироқ ўрганишга ёрдам беради.

Либерия ёзувчиси Уилтон Санкавуло Африка—Осиё халқларининг эзгу орзу-умидларини юзага чиқаришда адабиётнинг роли тўғрисида гапирди. Конференция кўпгина миллий адабиётларни ривожлантиришга, дунё халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилашга кўмаклашади, деб умид билдирди Гвинея Республикасидан келган ёзувчи Жерр Кейта.

Юқори Вольта Республикасидан келган ёзувчи Жак Гегене айтдики, сўз санъаткорлари Осиё ва Африка халқларини бирлаштириш учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак. Қитъаларимизнинг келажагини миллий адабиётларнинг ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди, деб таъкидлади у.

Конференциянинг фахрий меҳмони Куба шоири Эфраин Надерога сўз берилади. Конференция кун тартибига Латин Америкасида озодлик йўлига кириб олган мамлакатлар учун ҳам, қизиқарли бўлган масалалар киритилганлигини у мамнуният билан таъкидлади. Нотиқ Куба Ёзувчилар союзининг президенти шоир Николас Гильен номидан конференция қатнашчиларига уларнинг ишларида самарали муваффақиятлар тилади.

Конференцияда Сенегал, Сурия Араб Республикаси, Жанубий Вьетнам Республикаси, Ироқ Республикаси, Чад Республикаси, Кипр Республикаси, Дагомея Республикаси, Иордания Ҳошимитлар қироллиги ёзувчилар ташкилотининг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар. Делегатлар Олмаотадаги анжуманнинг муҳим халқаро аҳамияти тўғрисида гапирдилар, тинчлик ва тараққиёт учун курашда прогрессив ёзувчиларнинг роли кучайиб бораётганлигини таъкидладилар.

Шу куни Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари V конференциясининг қатнашчилари Ленин номли майдондаги В. И. Ленин ҳайкали ёнига келдилар. Адиблар монумент пойига гуллар қўйишди, бир дақиқа сукут сақлаб, меҳнаткашлар йўлбошчиси ҳотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Шунингдек ВДР, ЖВР, СССР, ГДР, МХР ёзувчилари Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик митингида қатнашдилар.

— Биз сизлар билан Вьетнамнинг вакиллари билан учрашаётганимиздан астойдил хурсандмиз, — деди ёш тўқувчи Т. Мамашев. —Комбинат ёшлари Ҳинди-Хитой ярим оролидаги воқеаларни эътибор бериб кузатиб турибдилар, улар Вьетнам Демократик Республикасидаги, Жанубий Вьетнам Республикасидаги ўз тенгдошлари ва қардошларининг кураши билан бирдам эканликларини изҳор этадилар. Митингда ВДР ёзувчиси Тю Ван, Жанубий Вьетнам Республикаси ёзувчилари делегациясининг раҳбари Фан Ти, ГДРдан келган адиб Х. Шарф, монгол ёзувчиси П. Хорлоо ҳам сўзга чиқдилар. Совет шаири Е. Евтушенко Каҳрамон Вьетнам тўғрисидаги шеърларини ўқиб берди.

МЕН ТУҒИЛГАН ЖОЙ

Б. ЯВУУХУЛАН,
(Монголия).

Мен осмонда туғилганман,
Олис юлдузлар аро,
Мен тоғликман, жулдур юнгли
Қўтослар бор довондан.
Мен даштликман, мовий олов
Ёнар унда доимо.
Гобиликман, динозаврлар
Изи қолган макондан.
Мен дарёда туғилганман,
Қадим боболар отин
Туёқларин ювиб ўтган
Олис эллар чангидан.
Яйловданман — сомон йўли
Ёзар тонгда қанотин,
Мен — ўтовдан. Қор хирмонин
Эслар унинг рангидан.
Туғилганман наъра тортган
Пайтда момоқалдироқ.
Эгарсиз ва ёввойи от
Сагринида бир куни.
Туғилганман қушларда
Тоҳ дардли, тоҳи қувноқ,
Йигинларда отахонлар
Куйлаб ўтганлар уни.
Туғилганман бир ўлкада —
Ер манглайи ажиндор,
Мовий Осмон деб аталган
Менга азиз бир диёр.

Русчадан
НАЗАРМАТ таржимаси.

ТОШКЕНТ—КИТОБ ШАҲРИ

Минск. Санъат ходимлари республика уйида очилган Ўзбекистон ССР китобларя виставкасига 600 га яқин экспонат — китоблар, альбомлар, буклетлар ва китоб суратлари қўйилган.

— Ўзбек дўстлар кўпгина ажойиб нашрларни олиб келишган,— деди Белоруссия ССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раисининг ўринбосари Р. А. Ткачук, — Марксизм-ленинизм классиклари асарларининг нашрлари, В. И. Ленин туғилганининг 100 йиллигига ва ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган китоблар оригинал бадиий безатилиши ва полиграфик жиҳатдан яхши ишланиши билан ажралиб туради.

Виставка экспозицияси бой ва хилма-хилдир. Унда атоқли ўзбек ёзувчилари ва олимларининг, таниқли ҳозирги замон муаллифларининг асарлари бор. Белорус ёзувчилари — Я. Колас, И. Шамякин, В. Биковларнинг ўзбек тилида чиройли қилиб нашр этилган китоблари, белорус халқ эртаклари ва Белоруссия шоирларининг шеърлари тўплами минсклиларда зўр қизиқиш туғдирди.

Энг яхши ўзбек безатувчи рассомларнинг китоб графикаси экспозициянинг алоҳида бўлимини эгаллаган. (ТАСС).

Москва пахта тозалаш заводи коллективининг ташаббуси изидан

Тоза тола учун

Ленинск пахта тозалаш заводи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида юксак мажбуриятлар олиб ишлаб, меҳнат зафарларини тобора кўпайтирмоқда. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш саккиз ойлик плани муддатидан 16 кун илгари бажарилди. Пландаги 18 минг 500 тонна ўрнига 29 минг 80 тонна тола. 2385 тонна ўрнига 2934 тонна линт ишлаб чиқарилди.

Йил бошидан буён корхонада меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қўл меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Тўртта янги техника, 14 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Корхона фақат рационализаторлик таклифларидан 21 минг 700 сўм, янги техникани ишга солишдан 7 минг 100 сўм, ташкилий-техникавий тадбирлардан 7 минг сўм соф иқтисодий фойда кўрди. Амалга оширилган қатор тадбирлар ҳисобига завод бўйича планда кўзда тутилганидан 1 миллион 300 минг сўм кўп, жами 2 миллион 900 минг сўм иқтисодий фойда олинди.

Тежамкорликка қаттиқ риоя қилган пахта тозаловчилар 2600 метр ўроб материаллари, 1600 килограмм сим, 373 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолдилар.

Завод коллективи республикамиз пахта тозаловчилари мусобақасида иккинчи квартал якуниларига кўра фахрли иккинчи ўринни олди ва республика Пахта тозалаш саноати министрлигининг мукофоти билан тақдирланди.

Катта меҳнат зафарларидан руҳланган пахта тозаловчилар Андижон область Москва пахта тозалаш заводи коллективининг республикадаги пахта тозалаш саноати барча ходимларига, машинасозлар ва пахтакорларга Мактубига жавобан янги мавсумга тайёргарлик ишларини ҳам муддатидан олдин тугалладилар. Корхонада янги мавсум олдидан цехлардаги мавжуд қуритиш-тозалаш барабанлари, 144 та пахта бунтлайдиган майдончалар, 22 та автотарози, 2150 дона бризент, 200 та транспортер ва ёнғинга қарши асбоб-ускуналар сифатли ремонтдан чиқарилди. Завод коллективи янги пахта ҳосилини яхши сақлаш, ундан сифатли тола ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятларни сафарбар қилиш чораларини кўрмоқда.

Т. МАМАДАЛИЕВ.

«Правда» газетаси редакциясига

Биз, совет кинематографчилари бир группа академикларнинг «Правда» газетасида эълон қилинган мактуби билан танишиб чиқиб, Совет Иттифоқи давлат тузумини, ички ва ташқи сиёсатини бадиом қилишга уринган А. Д. Сахаровнинг номуносиб феъл-атворига шу мактубда берилган баҳога тўлатўкис қўшиламиз.

Халқаро муносабатларда бошланган ўзгаришлар, кескинлик юмшатилганлиги бизнинг мамлакатимизда ва бутун дунёда табиий равишда чуқур мамнуният туйғуси билан кутиб олинди. «Совуқ уруш»ни жонлантириш йўлида туҳматчилар қилаётган уринишлар совет халқининг, ер юзидаги барча тараққийпарвар кишиларнинг туб манфаатларига қарши қаратилгандир. Тинчлик шароитида халқларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун, Коммунистик партия билан Совет ҳукумати тинчликсевар сиёсатининг янги муваффақиятлари учун кураш олиб бориш — инсонпарварлик байроқдори бўлишлари лозим бўлган санъат аҳлининг жонажон ишидир.

Тарихнинг ривожини тескари томонга буриб юборишга уриниб, ўз мамлакати, ўз халқи шаънига доғ туширган кимса газаб ва нафраттагина сазовор бўлади.

Г. Александров, А. Алов, В. Артмане, С. Бондарчук, С. Герасимов, Е. Дзиган, С. Долидзе, М. Донской, В. Жалакявичус, А. Зархи, А. Згуриди, А. Караганов, Р. Кармен, Л. Кулиджанов, Т. Левчук, Е. Матвеев, А. Медведкин, В. Монахов, В. Наумов, Ю. Озеров, Ю. Райзман, Г. Рошаль, В. Тихонов, В. Санаев, И. Хейфиц, Д. Храбровицкий, Л. Чурсина, С. Юткевич.

АДИБЛАР АНЖУМАНИ — РАССОМ ТАСВИРИДА

Олмаотада Осиё ва Африка адиблари Уюшмасининг V халқаро анжумани давом этяпти. Бу анжуман планетамиздаги тинчликсевар кучларни янада жипслаштиради, мустамлакачилик, ирқчилик ва империализмга қарши тинчлик, озодлик, мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган ёзувчиларнинг сафларини янада мустаҳкамлайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикида конференция ишига улкан муваффақиятлар орзу қилинди. Уларни тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт йўлида янада қатъият билан меҳнат ва ижод қилишга даъват этилди.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Уюшмаси ташкил топганига ва иш олиб бораётганига мана ўн беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шуни ғурур билан қайд қиламизки, бу улкан Уюшманинг дастлабки таъсис йиғилиши Тошкентимизда бўлиб ўтган эди.

Тошкент конференциясига Осиё ва Африкадаги 37 мамлакатдан, шунингдек бошқа қитъалардан меҳмонлар келишганди. У турли қитъалар ва мамлакатлардаги илғор фикрли ёзувчиларни ўзаро учраштирди ва абадий дўстлаштирди.

Узбекистонлик рассом Виктор Петрович Зеликовнинг сиз кўриб турган полотноси ўша тарихий кунлардан бир манзарани жонлантиради. Рассом Тошкент анжумани қатнашчилари билан учрашиб, улар билан яқиндан мулоқатда бўлган эди. Ана шу учрашувлар асосида рассом 20 дан ортиқ этюд тайёрлади. Бу этюдлар Тошкент конференциясида қатнашган машҳур адибларнинг портретлари эди. Портретлар ёзувчиларнинг ўзларига ниҳоятда ёққан, шу сабабли уларнинг тагига бажонидил дастхатлар чизиб беришган эди. Тошкент анжумани кунларининг таассуротлари рассомни ижодий илҳомлантирди, у «Тошкент руҳи»ни мўйқалам воситасида полотнода гавдалантиришга аҳд қилди. Худди шу муддаода у конференция қатнашчилари бўлган адиблар — Нозим Ҳикмат, Николай Тихонов, Константин Симонов, Комил Яшинлар билан маслаҳатлашди. Адиблар рассомнинг ижодий режасини қўллаб-қувватладилар. Зеликов ижодий ғайрат билан ишга киришди. У 10 йил давомида сиз юқорида фото репродукциясини кўриб турган «Тошкент руҳи» асари устида ишлаб, уни яқинда тамомлади. Рассомнинг аввал тайёрлаган этюдлари асарга маълум даражада деталлар бўлиб кирди. Республика рассомлар жамоатчилиги Зеликовнинг асарини юқори баҳолади ва айни пайтда полотнони янада такомиллаштиришга доир маслаҳатлар беришди. Виктор Петрович Зеликов ҳамкасб дўстларининг ижодий маслаҳатларини ҳисобга олган ҳолда асарга янада сайқал берди ва уни мукаммаллаштирди.

Юсуф ас-Сибоий, У. Дюбуа, Н. Тихонов, Б. Кербобоев, М. Турсунзода, М. Иброҳимов, Ч. Айтматов, Р. Гамзатов, М. Карим, Ғ. Ғулом, Зулфия, К. Яшин ва бошқа адибларнинг образлари асарда ҳаётий гавдалантирилган. Адиблар даврасида шеър ўқиётган оташин турк шоири Нозим Ҳикматнинг қиёфаси нақадар жонли ва аниқ!

Зеликов полотнода Ўзбекистоннинг миллий колоритини конкрет ифодалашга муваффақ бўлган. Бу энг аввало полотно фонидаёқ кўзга ташланади. Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг Тошкент усталари шарқ услубида сайқал берган залида учрашув ўтказилмоқда. Адибларнинг халқаро даврасидан ўрин олган севикли шоирамиз Зулфия миллий либосда. Николай Тихонов суяниб ўтирган стол шарқ услубида ясалган ва безалган. Унда миллий предметлар — пахта гулли чойнак ва пиёла.

Полотнода кўпгина чуқур рамзий маъноли деталлар бор ва уларнинг ҳар бири асар композициясида аниқ ўз ўрнига эга. Стол устида ётган ҳамда блокнот устидаги чинни гул адибларнинг қалбидаги матонатли, инқилобий руҳнинг тимсолидир.

«Тошкент руҳи» — улкан ҳажмли бадиий полотно. Унда ҳамма нарса ҳаракатда, жонли, ҳаётий. Полотнога яқинлашар экансиз, ўзингизни ўша тарихий, унутилмас Тошкент конференциясининг жонли даврасига, турли қитъалардан келган машҳур адибларнинг қуршовига бамисоли кириб қолгандай ҳис қиласиз.

Зеликовнинг бу асари Осиё ва Африка қитъалари ёзувчиларининг халқаро V Олмаота конференцияси кунларига муносиб совғадир.

М. САФАРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Ёзувчи ва замон. 20.10 **Узбекистон** (тележурнал). 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 Ахборот. 20.50 — Ота-оналар университети. 21.20 — «Ўзбекистон чорвадори». 21.5[illegible] — Балет ҳақида. 23.00— **Совет Молдавияси** (телефильм). 24.00—МОСКВА. «Вақт».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 18.55 — Концерт. 19.25 — Спорт кўрсатуви. 19.55 — Ўтмиш киноленталари. 21.10 — Болгария телестудиясининг программаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Ватандан узоқда** (бадиий фильм). 20.50 — **Қонли тўй** (телеспектакль).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Абу Райҳон Беруний**, 8/IX да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IX да **Паранжи сирлари**, 8/IX да **Жумагул**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера; Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 17.00, 19.00), «МОСКВА» (11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45).

Михай ботир (2 серия)— «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.00, 20.20).

Тасодифий адрес — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда — кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Бўғиздаги тош (10.30, 15.00, 19.30) **Ҳур қизлар** (12.00, 16.30, 21.00) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Қора сингли учун оқ гуллар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сенинг ҳам бошингга тушса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Қонун қонунлигича — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.45).

Таҳқиланган муҳаббат — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Мессе фермасининг сири — «СПУТНИК» (12.00, 22.00).

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКАЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораториялар катта илмий ходимлари — ичак вакциналари биохимия;

лабораториялар кичик илмий ходимлари — антилимфоцитар сиворотка, вирус-риккетсиоз ичак вакциналари, экспериментал иммунология.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий ташкил қилиш;

кафедра профессори: КПСС тарихи;

кафедра доцентлари: умумий механика, яхлит мухитлар механикаси, электрон ҳисоблаш машиналарининг математик таъминлаш, умумий математика, табиий бирикмалар химияси.

кафедра катта ўқитувчилари: педагогика, маъмурий ва молия ҳуқуқи, граждан ва хўжалик ҳуқуқи, электрон ҳисоблаш машиналарини математик таъминлаш, партия-совет матбуоти назарияси ва практикаси;

кафедра ўқитувчилари ва ассистентлари: гражданлик процесси ва меҳнат ҳуқуқи, колхоз ва ер ҳуқуқи, экспериментал физика, лотин тили.

Проблем лаборатория мудири: табиий бирлашмалар химияси.

проблем лаборатория катта ва кичик илмий ходимлари: табиий бирлашмалар химияси.

Конкурс муддати — 28 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ. Беш корпус, Д-107 хона, кадрлар бўлими.

АХБОРОТ

ФАРҒОНА

ҲУНАРЛИ ЙИГИТ—ҚИЗЛАР

Бу йил бир қанча ўрта мактабларни битирган ўғил-қизлар етук ишчи аттестати билан бирга механизаторлик гувоҳномаси ҳам олишганди. Областнинг Ленинград районидаги «Коммунизм» колхозида жойлашган 6-мактабда турли маркадаги тракторларни бошқариш ўргатилди. Н. Каримова, А. Мелибоев, Қ. Қўзиев, Ю. Ҳайдаров, И. Қодирова сингари ўқувчилар имтиҳонларни «аъло» баҳога топиришди. Шунингдек, Олтиариқ районидаги «Узбекистон» колхозининг 7- мактабидан 50, Фарғонадаги 18, Маргилондаги 3- мактабнинг ҳар бирида 70 нафардан ёш механизатор тайёрланди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги «зангори кема» штурвалини тутишга шай бўлиб турибди.

ҚУРУВЧИНИНГ ТАКЛИФИ

Область колхоз қурилиши ташкилоти инженер-техник ходимларининг таклифи ўз самараси-ни бераяпти. Техника бўлими бошлиғи Х. Абдуназарованинг мулоҳазалари Қувасойдаги механизациялашган колонна қурувчиларига ҚЎЛ келиб қолди. Улар янги таклиф бўйича цемент чангидан девор-плиталар тайёрлашга киришдилар. Плиталарнинг дастлабки туркуми қурилиш объектларига жўнатилди. Йил охиригача бундай арзон плиталардан ўн минг квадрат метр тайёрлаш мўлжалланяпти. Бу таклиф қиммат баҳо материал гипсдан 10 тоннасини иқтисод қилиш имконини беради.

ОТАЛИҚДАГИ ТЕХНИКУМ

Қўқон нефть техникуми саноатнинг нефть соҳаси бўйича мутахассислар тайёрловчи асосий билим ўчоқларидан ҳисобланади. Техникум узоқ йиллардан бери «Узбекнефть» бирлашмасининг область бўлими оталиғида. Бирлашма бўлажак ўринбосарларга ҳар томонлама ёрдам бериб турадиган. Техникумнинг ўқув коналари, лабораториялари янги дастгоҳ, жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан бойитилди. Ҳаракатдаги ларматовчи установка макети совға қилинган студентларни айниқса қувонтирди.

ШИЙПОНДА ДОРИХОНА

Областнинг шаҳар-қишлоқлари, колхоз ва совхозларининг марказларида қад ростлаётган янги қатта биноларнинг биринчи қаватидан дорихоналар учун жой ажратиб берилаяпти. Боғдод районидаги «Большевик», Фрунзе районидаги Охунбобоев номли колхозларда, Фарғонадаги Қувасой массивида шу тарзда замонавий дорихоналар ўйналаниша топширилди. Қува районидаги марказ қамда Ёзвонда типовой дорихона биноларни қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Дорихоналар бошқармасига қарашли область фармацевтика цехида тайёрланган беш мингтадан кўпроқ аптечка колхоз-совхозларнинг дала шийпонларига жўнатилди.

К. ВИННИК.

Ажойиб савдолар

ҲАНГОМА ТАФСИЛОТИ

Кишилар муомалада онда-сонда ишлатадиган «таъбим» сўзининг луғавий маъносини ҳаммадан кўра Фарҳод Жаъфаров яхшироқ тушунса керак, деган эҳтимол бор. Чунки, у ҳар икки сўзнинг бирида «таъбим», «бу менинг ишим» деб дўқ-пўписа қилади.

Жаъфаров «таъби тортиб», таваккалга таянди. У ўқимаган болаларни мактаб ўқувчиси қилиб журналга расмийлаштирди. Қўйинг-чи у сиртдан ва қатнаб ўқийдиган бу мактабда икки йилдан бери кўп ажойиб ҳангомалар кўрсатаётир. Келинг, ҳангомалар тафсилотига ўтайлик.

Самарқанддаги сиртдан ва қатнаб ўқийдиган область мактабига 1971 йили Ф. Жаъфаров директор бўлиб келди-ю, ишни мактабдаги педагогик коллективни янгилашдан бошлади. Бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган химия-биология фани ўқитувчилари Н. Ёрқулов, А. Вафоев, рус тили ўқитувчиси Е. Ли, тарих ўқитувчиси Н. Саломов, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси И. Шаповалов ва бошқалар директор «таъбим»нинг қурбони бўлдилар.

Бу мактабда машғулотлар асосан группа усулида, яққа тартибда консультация ва имтиҳон қабул қилиш асосида олиб борилиши керак. Минг афсус, булар Жаъфаровнинг «таъби» билан дарс жадвалида қайд қилинди-ю, аслида ўқувчилардан ёзма контроль ишлар талаб қилинмади. Фақат синф журналларини юритиш билан кифояланилди. Бу эса мактабда сиртқи таълим ишининг издан чиқишига олиб келди.

Сиртқи таълим мактабига қабул қилинган ҳар бир ўқувчи ўқув йили давомида 32 та ёзма ва контроль иш бажариши керак. Фарҳод Жаъфаровнинг «таъби» билан икки ўқув йилидан буён ўқувчилар бажариши лозим бўлган бундай ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бирорта ўқувчидан на ёзма иш ва на контроль иш олинди.

1972-73 ўқув йилида сиртқи мактабга «ўқувчилар қабул қилиш»да Фарҳод Жаъфаров «рекорд» қўйди. У мактабдан кетиб қолган А. Яҳёев, Н. Комилов ва М. Алимхўжаева каби бир қанча ўқувчилар ҳисобига контингентни ошириб, ёлғондан ҳисоб берди. Мактабда йўқ ўқувчилар эвазига бир неча синф очилди. Ҳар бир синфда бир ҳафтада имтиҳон учун 4 соатдан вақт ажратилган. Мактабдаги 50 та синф учун ҳафтасига 200 соат сарф бўлади. Мактаб бўйича мазкур синфларда 4 минг соат дарс учун давлат томонидан ўқитувчиларга ҳақ тўланди. Ўқитувчилар мана шу 4 минг соат дарс эвазига ўқувчилардан кўплаб ёзма иш олишлари керак эди. Кани ўша ёзма ишлар-у, қани уларга қўйилган баҳолар? Текшириш шуни кўрсатдики, мактабда ўқувчилардан бирорта ҳам ёзма иш олинмаган. Контроль ишлардан ҳатто намуна ҳам йўқ.

Ўқувчилар томонидан бажарилмаган ёзма ишлару ўқитувчилар ўтмаган дарсларга сарф бўлган қанчадан-қанча давлат маблағларига ким қайғуради? Буларнинг ҳаммаси «ишбилармон» мактаб директори Жаъфаровнинг «таъбизча қилинаётган ишлар, холос.

Сиртдан ва қатнаб ўқийдиган бу мактабда ўқувчилар дарс у ёқда турсин, консультацияларга ҳам тўлиқ қатнашмади. Мактабда ўқувтарбия ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди. Натижада давомат 40-45 процентдан ошмади. 16 май куни мактабда ўқувчилар давомати қайта назорат қилинди. Мактаб директори Ф. Жаъфаров, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Бунцман ўртоқларнинг ўз вазифаларига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қараб келаётганликлари яна бир бор тасдиқланди.

Шу куни 8. синфда рус тили ўқитувчиси В. Юдинанинг дарсига 13 ўқувчидан 5 таси келган. Илмий бўлим мудири А. Бунцманнинг 10- синфдаги математика дарсида 12 ўқувчидан 4 ўқувчи қатнашди. Ўқитувчи Б. Симхаев химиядан дарс ўтаётган 11-синфда эса 18 ўқувчидан атиги 3 ўқувчи келган.

Ўқитувчи Ш. Насимовнинг 11-тожик синфидаги жамиятшунослик дарси ҳаммадан ҳам «жонли» ўтди. Синфдаги 9 ўқувчидан атиги 2 нафари дарсга келганди. Ўқитувчи «жон қуйдириб» дарс тақрорлаяпти. Ўқувчиларнинг бири эсноса, иккинчиси мудрарди.

Ўқитувчи А. Собурованинг 11-ўзбек синфидаги рус тили дарсида журналда қайд этилган 16 ўқувчидан дарсга атиги И. Зокиров билан Г. Маҳрамова қатнашди, холос.

Мактабда интизом ва таълим-тарбия ишлари ўзи бўлариликка ташлаб қўйилган. Консультацияларнинг онда-сонда бир марта ўтказилган. Лекин синф журналига дарс тўла ўтилди, деб қайд қилинаверган.

Мактаб ўқувчиларининг билим савияси паст, ўқув прогаммаси ва шу кун талаблари даражасида эмас. Ўқувчилар ўқув йили давомида дарслик билан таъмин қилинмади. Йил давомида бирон ўқитувчининг бирор соат ҳам дарсини таҳлил қилмаган мактаб директори билан илмий бўлим мудири фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?

Ф. Жаъфаров директорликни фақат имзо чекиш, мухир босиш, буйруқ чиқариш, ўқитувчини ишдан бўшатишдан иборат деб тушунса керак. Акс ҳолда юқоридаги ҳангомалар содир бўлмасди.

Мактабда мингга яқин ўқувчи бор. Лекин уларнинг шахсий делолари чала-ярим қилиб тўлғазилган. Баъзи ўқувчиларнинг ҳатто делолари йўқ.

Мактабда ўқув планида кўрсатилган факультатив дарс соатларидан ҳам тўғри фойдаланилмайди. Лекин синф журналига машғулотлар «тўла ўтилди» деб, ўқувчилар билими сохта баҳолаб келинди.

Сиртдан ва қатнаб ўқийдиган бу мактабнинг беш жойда ўқув консультация пунктлари мавжуд. Бу ерларда консультант мудирлиги ва методистлик учун ярим ставка ҳақ тўланади. Ургут районида Ф. Маъруфжонов, Пастдарғом районида эса Г. Ли (кундузги 8- мактаб директори) консультант бўлиб ишлайди. Г. Ли район марказидаги катта бир ўрта мактабнинг директори, бундан ташқари унинг рус тили ва адабиётидан 12 соат дарси ҳам бор.

Шаҳардаги 8- ҳунар-техника билим юртига жойлашган мактаб филиалида Р. Оғажонов методистлик қилади. Бу ердаги XI «А» ўзбек синфида 18 ўқувчи, XI «Б» рус синфида 18 ўқувчи бўлган. Ўқув йилининг иккинчи ярмига келиб мактабда текширтекшир бошланди. Сир очилди. Уни ҳас-пўшлашдан қўйишди. Филиалдаги ҳар икки синф мактаб марказидаги XI синфларга қўшиб юборилди деган гап таркалди. Аслида-чи? Бу ҳар икки синф ўқувчилари ҳозиргача қаердалиги номаълум. Буни мактаб директори Ф. Жаъфаров билан илмий бўлим мудири А. Бунцман биладиган, холос.

Мактабдаги X «А» ўзбек синфида тўққиз ўқувчи билан ўқув йили бошланган эди. Ўқув йилининг биринчи ярмигача дарсларга уч ўқувчи қатнашди. Хўш, бу «актив ўқувчилар» ким? Улар қаерда, нима иш қиладилар? Улар билан танишинг: Н. Комилов 1972 йил 3 ноябрда Совет Армияси сафига чақирилган. Д. Яҳёев эса 1971-1972 ўқув йилида шаҳардаги 3-ҳунар-техника билим юрти қошидаги кечки мактабни экстерн тамомлаб, аттестат олган. Ўқувчи А. Алимхўжаева бўлса турмушга чиқиб кетганлиги сабабли, бир кун ҳам мактабга келмаган. Шундай қилиб, X «А» синф ҳам XI «А» ва XI «Б» синфларнинг кунига тушди-да, синф қисқарди, қабилида ёпилди-қўйилди.

Кўзбўямачилик йўли билан йўқ ўқувчиларга синфлар очиб, уларни «сиртдан» ўқитиб, давлатнинг қанчадан-қанча маблағини совурган мактаб директори Ф. Жаъфаров билан илмий бўлим мудири А. Бунцман ўз қилмишларини қандай баҳолашаркин?

М. МАРДОНОВ,
Самарқанд область халқ контроли комитети шикоятлар ва таклифлар бюросининг мудири.

С. ҲУСАНОВ,
«Ўқитувчилар газетаси»нинг мухбири.

РЕСПУБЛИКА XVI СПАРТАКИАДАСИ ЯКУНЛАРИ

РЕКОРДЛАР ВА МЕДАЛЛАР

Спартакиада республикамиз спорт ҳаётида катта воқеалардан бири бўлди. Бу йилги мусобақалар ҳар жиҳатдан ўзгачароқ ўтказилди. Жумладан, спартакиада икки қисмга бўлинди. Бундан уч ой бурун Тошкент ва Андижонда ўсмир-ёшлар куч синашган эдилар. Кўпи кеча спартакиаданинг ҳал қилувчи бўлими — натгалар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам ниҳоясига етди.

XVI спартакиада мусобақаларининг стартларида бир ярим миллиондан зиёд йигит-қиз қатнашди. Мусобақалар Тошкент, Андижон, Самарқанд, Гулистон, Навоий, Чирчиқ каби шаҳарларда ўтказилиши мухлисларни мамнун этди. Қизғин мусобақаларда республиканинг 44 рекорди ўрнатилди. Бу ютуқларга кўпроқ енгил атлетикачилар, чавандозлар, мерганлар ва велосипедчилар эришдилар. Спартакиада программасига ГТО бўйича кўпкураш мусобақалари ҳам киритилди.

Спартакиада мусобақалари спортнинг 27 тури бўйича ўтказилди. Камондан отиш, дзю-до, елканли қайиқда пойга каби спорт турлари бўйича спартакиада голиблиги учун биринчи марта куч синашилди. Мусобақалар рекордлар ва медалларга бой бўлди. 57 спортчи ўзининг мастерлик унвонини яна бир оқлаган бўлса, 33 йигит-қизга биринчи марта бундай фахрли ном берилди. Қўлга киритилган катта ютуқлар республика физкультурачилик ҳаракатида йўл қўйилаётган баъзи камчиликларни бартараф этиш, илғор коллективлар тажрибасини ўрганиш, қолаверса уларга эргашишда ўзига хос мактаб бўлди.

Ва бўйи давом этган мусобақаларга якун ясалди. Республика Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетида спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросими ўтказилди. Область командалари ўртасида Тошкент шаҳар спортчилари 1380 очко жамғариб голиб жамоанинг номига муяссар бўлишди. Республика спорт комитетининг биринчи даражали дипломи ва Фахрий ёрлиғини олдилар. Тошкент области билан андижонликлар 2-3- фахрли ўринларни эгаллашди. Областлар ўртасида Сирдарё ва Қашқадарё командалари энг охирги ўринда қолди.

Спорт жамиятлари ўртасида «Буревестник» жамияти аъзолари пешқадам бўлдилар. «Меҳнат» ва «Спартак» коллективларига кумуш ва бронза медаллари берилди. Тошкентлик армиячилар билан «Меҳнат резервлари» сўнгги ўринларни эгалладилар.

Тантанали маросимда яқинда бўлиб ўтган умумжаҳон Универсиадаси чемпионлари — моҳир гимнастиначи Элвира Саади, волейболчи Вера Дуюнова, қиличбоз Собир Рўзиев ва уларнинг устозлари В. Аксенов, А. Исранлов ҳамда И. Мирканлар катта ютуқлар эвазига мукофотланди.

Спартакиада СССР халқлари VI спартакиадасига ҳозирлик кўришнинг муҳим босқичларидан бири бўлди.

ЯГОНА ТЎП

Утган куни футбол мухлислари қизиқарли учрашувнинг шоҳиди бўлишди. Москвадаги В. И. Ленин номли катта стадион майдонида совет футболчилари билан ГФР терма командаси аъзолари ўзаро куч синашдилар. Ўртоқлик учрашувида ҳар иккала команда ўйинчилари деярли тенг куч билан ўйнаб, ҳужумкорлик ва тезкорлик жиҳатларини намойиш қилдилар.

Учрашувнинг 22-минутида футболчиларимиз ҳисобни очиш имкониятини бой бериб қўйишди. Навбатдаги ҳужумда Коньков аниқ оширган тўпни Колотов дарвоза қаршисида турганига қарамай, нишонга ололмади. Ганаффусдан кейин ҳар икки томон ҳужумкорликка зўр берди. Аммо ҳисобни очиш меҳмонларга насиб қилди. Ғалаба келтирган ягона тўпни 62-минутда Мюллер киритди.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ТОШ ЙЎЛДА ТЕЛЕКАМЕРА

Давлат «Латавтодормост» трести Ригани курорт шаҳри Юрмала билан боғловчи тез қатнов янги автомагистрал участкаларидан биринда ғалати иншоотлар комплексини қуришга киришди. Бу иншоотга давлат автоинспекцияси билан йўл хизмати эгалик қилади.

Йўл назоратчилари пульт ёнида камерани буриб, телевизион экрандан фойдаланиб йўлдаги тартибни бетўхтов кузатиб турадилар, ҳар қандай қаранг хавфсизлиги бузилишларининг тез олдини оладилар. Пост автоинспекция ва йўл хизматчиларининг навбатчи машиналари билан радио алоқа боғлаб туради. Бундан ташқари Рига—Юрмала магистралида жорий этилаётган йўл ишораларини дистанцион бошқариш системаси конкрет шароитларга қараб ҳаракат тезлигини чаққон тартибга солиб туришга, туман, яхмалаи ва бошқа хавф-хатарлар тўғрисида ҳайдовчиларни огоҳлантиришга имкон беради.

Шу йил бирлашган назорат пости қуриб битказилади.

С. ШПУНГИН.
ТАСС мухбири.
Рига.

ЭКСКАВАТОР ЧЎМИЧИДА... ТАНГАЛАР

Экскаваторчи Анатолий Брицин Боровси шаҳрида траншея казиётиб чўмичдан тушган ғалати бир нарсага эътиборни жалб қилди. У кумуш тангаларга тўлғизилган ҳумча эди. Ҳумчадан 2 мингдан ортиқ танга чиқди. Ҳар бир тангада найза кўтарилган отлиқ тасвирланган, тангаларнинг орқасида эса — «Бутун рус улуғ князи Михаил Федорович» деб ёзиб қўйилибди.

Маҳаллий ўлкашунослар ушбу тангалар Москвада XVII асрнинг бошларида қўлда зарб қилинган деган хулосага келишди.

1957 йил бу ерда Иван IV, Федор Иоаннович, Борис Годунов ва Василий Шуйский тасвирлари гуширилган танга тўлғазилган ҳумча топилган эди. 1970 йилда ҳам худди шундай дафина топилди. Топилган ҳамма нарсалар музейга топширилди.

Н. БРИЛЕНКОВ,
(ТАСС мухбири).
Боровси, Калуга области.

СУД ЗАЛИДАН

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Ҳозир ажойиб замонда яшаяпмиз. Тўкин-сочин, тинчлик, одамлар ўз ҳаётидан мамнун. Шу туфайли ғўётомоша ҳам кўп. Лекин айрим ёшлар ичимликни ортиқча истеъмол қилиб, атрофидагиларнинг дилини ранжитади, ўйин-кулгига халақит беради.

Фатхулла Тошмуҳамедов ҳам ана шундоқларидан бўлиб чиқди. У Тошкент трактор заводида пайвандчи бўлиб ишларди. Ичишликка берилиб кетгани учун ишлаб чиқариш топшириқларини чала-чулпа бажарадиган бўлиб қолди. Заводдагилар унинг бу ҳатти-ҳаракатини кескин қоралашди. Фатхуллани тўғри йўлга тушириб бўлмади.

Шу йил апрель ойининг бошларида у акалари билан қўшниларининг меҳмонга борди. Нафси қаҳналаган бу йигит акаларининг гапига қулоқ солмай, кетма-кет олаверди-да, ғазда учиб қолди. Шу ердагилардан номус қилган акаси Неъматулла, поччаси Собир уни бир амаллаб олиб кетишди. Акасининг панд-насиҳатларига қулоқ солмаган Фатхулла атрофни бошига кўтаргудай бўлди. Акасининг гаплари таъсир қилди шекилли, жаҳл билан ўрнидан турди ва тончадаги пичоқни олиб уларнинг орқасидан югурди.

Бу кўнгил ҳалол кишилар қишлоқнинг тенис йўлидан бамайлихотир боришарди. Ғазабга тўлган Фатхулла беҳосдан акасининг қорни ва қўлига ўғрин кетма-кет санчиб олди. Ўзининг акасига-ю Аканинг жигари жароҳатланди. Ажойиб шифокорларимиз Неъматулланинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

Жиноят устида қўлга тушган безори ўз қилмишларига иқрор бўлди, акасига кўрсатган «марҳамат»ларидан минг-минг бор пушаймон қилди. Лекин кеч эди. У тўрт йил озодликдан маҳрум этилди.

О. СОЙБЕРДИЕВ,
Оржоникидзе район прокурори.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

В. — № 211. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. — 03660.